O‘ZBEKISTON
# BUNYODKORI
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№36 (789) 2024 йил 30 апрель, сешанба
uzbunyodkor | t.me/uzbunyodkor | uzbunyodkor | info@uzbunyodkor.uz | uzbunyodkor.uz
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.



**2023 йилда** Наманган вилоятида жами **3 574 хонадонли 77 та уй-жой** қурилиши режалаштирилган бўлиб, бу кўрсаткичдаги **30 та** турар жойлар “Янги Ўзбекистон” массивларида бунёд этилди.
**2024 йилда** аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастури доирасида жами **6 000 хонадондан** иборат **117 та** уй-жойлар қурилиши кўзда тутилган бўлиб, унинг **1 093 хонадонга** мўлжалланган **29 таси** “Янги Ўзбекистон” массивларида барпо этилади.

# ПИРОВАРД МАҚСАД – ИНСОН ОМИЛИ

**Наргиза МИРЁҚУБОВА,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби Наманган вилояти туманларида ҳам аҳоли турмуш даражасини ошириш, инфратузилмасини яхшилаш борасида ибратли ишлар олиб борилмоқда. Бу ислоҳотларнинг пировард мақсади инсон омилига қаратилганининг амалдаги ифодасидир.**



Мамлакатимиз Президентининг 2023 йил 13 апрелдаги “2023 йилда бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-51-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида олиб борилаётган бунёдорлик ишлари туманларда ҳам шаҳардан қолишмайдиган, кўркам уй-жойлар қад ростлашига замин яратмоқда. Ўз ўрнида вилоятда олиб борилаётган кенг кўламли қурилиш, ободончилик ишлари шаҳар ва қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириб, аҳоли турмуш даражасини юқори босқичга кўтаряпти.

2023 йилда Наманган вилоятида жами 3 574 хонадонли 77 та уй-жой қурилиши режалаштирилган бўлиб, бу кўрсаткичдаги 30 та турар жойлар “Янги Ўзбекистон” массивларида бунёд этилди. 2024 йилда аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастури доирасида жами 117 та уй-жой – 6 000 хонадондан иборат кўп қаватли уйлар қурилиши кўзда тутилган бўлиб, унинг 1 093 хонадонга мўлжалланган 29 таси “Янги Ўзбекистон” массивларида барпо этилади. Ўтган йили айни йўналишда Наманган вилояти туманларида йирик лойиҳалар амалга оширилди. Айниқса, уй-жойлар сотиб олишда ипотека кредитларининг ажратилаётгани аҳоли учун катта қулайлик ва имкониятлар яратмоқда.

Наманган вилоятининг Чуст туманидаги “Янги Ўзбекистон” массивида кўплаб турар жойлар қад ростлаб, бу борадаги саъй-ҳаракатлар давом этмоқда.

– Чуст туманидаги “Янги Ўзбекистон” массивида дастурлар асосида аҳолини уй-жой билан таъминлаш мақсадида ҳозирда 11 та кўп қаватли уй қурилиши амалга оширилмоқда, – деди Чуст тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи Шаҳобиддин Худойбердиев. – 2025 йилга мўлжалланган дастурга асосан, ҳозирда “Янги Ўзбекистон” массиви ҳудудида ер танлаб олиниб, аукцион савдоларига чиқариш ишлари олиб борияпти. Бундан ташқари, мазкур массивларда 120 ўринли мактабгача таълим ташкилоти, 50 ўринли оилавий поликлиника ва маҳалла идоралари қурилиб фойдаланишга топширилди. 11 та кўп қаватли турар жой биноларида шу йилнинг август ойида қурилиш ишлари якунланиб, фойдаланишга топширилади.

Бугун аҳолининг уй-жойга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлашга бўлган эътиборнинг амалдаги ифодаси сифатида эҳтиёжманд ва ногиронлиги бор фуқаролар учун яратилган механизм кўпчиликка қўл келяпти.

Туманнинг Олмос маҳалласида яшовчи Дилдора Мамадалиева уч нафар фарзанди билан ота-она қарамоғида яшарди. Ўз ватани, алоҳида уйга эга бўлиш нияти ипотека кредити амалга ошди.

– 6-7 йилдан бери 3 нафар фарзандим билан ота-онам қарамоғида яшаб келганман, – деди Дилдора Мамадалиева. – Кўп йиллардан бери шундай шароитли уйларда яшашни орзу қилардим. “Янги Ўзбекистон” массивидан бошланғич тўловларни амалга ошириб, уй харид қилишим ортидан орзуларим амалга ошди.

▶ 3-бет

**ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА**

## ВАЗИР ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШДИ



**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Батир Закиров алоҳида эътибор талаб этувчи ёшларнинг ижтимоий ҳолати ва қизиқишларини ўрганиш мақсадида пойтахтимизнинг Янгиҳаёт туманида бўлди.**

Хусусан, вазир бир неча ёшлар билан суҳбатлашиб, уларнинг келгусидаги мақсад ва режалари, муаммолари билан қизиқди.

“Маҳалладан вазирликкача” тизими орқали қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирига 30 нафардан зиёд ёшлар бириктирилган бўлиб, уларнинг бандлигини таъминлаш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ҳаётда ўз ўрнини топишига ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилишга кўмаклашиш вазифаси юклатилган.

Вазир “Янги Чоштепа” МФЙ биносига жам бўлган ҳар бир ёш билан самимий суҳбат қуриб, уларнинг муаммоларига қулоқ тутди. Зарурий тавсиялар берди. Хусусан, айрим ёшлар IT, SMM сингари йўналишларда ўқиш истагида эканликларини билдирган бўлса, баъзилари таълим учун керакли техник таъминотни сўраб мурожаат қилди. Бандлик масаласида қийналаётганларга ҳам муносиб иш ўрнини топишда амалий кўмак берилиши таъкидланди.

▶ 2-бет

## ШАҲАРСОЗЛИК ФАОЛИЯТИНИ ГЕОАХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА

### инновацион технологияларнинг аҳамияти қай даражада?

**Райҳона ХЎЖАЕВА,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳамда “ЎзГАШКЛИТИ” лойиҳа-қидирув институти ҳамкорлигида Бухоро ва Навоий вилоятларида “Шаҳарсозлик фаолиятини геоахборот билан таъминлашда инновацион технологияларнинг қўлланиши” мавзусида ҳудудий илмий-амалий семинар ташкил этилди. Шаҳарсозлик соҳасидаги илғор инновацион технологиялар ва энг сўнгги ютуқлар билан ўртоқлашиш, ўзаро тажриба алмашиш мақсадида ўтказилган тадбирнинг фахрий меҳмони Латвия Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Рейнис Трокша бўлди.**





▶ 2-бет

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№36 (789) 2024 йил 30 апрель

◀ 1-бет

# МУТАСАДДИЛАР – ВИЛОЯТЛАРДА



Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Озода Жўраева аҳоли мурожаатлари ва кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи бошқарув ташкилотларига оид масалаларни ўрганиш мақсадида Қорақалпоғистонда бўлди. У Қорақалпоғистон Республикасидаги 1 576 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатувчи 36 та бошқарув ташкилоти раҳбарлари билан учрашди. Учрашувда кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатиш соҳасидаги ислоҳотлар, янги қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари мазмун-моҳияти ҳақида сўз борди.

Шунингдек, Озода Жўраева Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида аҳолининг коммунал ва уй-жой хизматларига оид мурожаатлари юзасидан ўтказилган сайёр қабулда ҳам иштирок этди. Унда 50 нафардан ортиқ аҳоли ўз мурожаати билан қатнашди. Қабул давомида 30 дан ортиқ мурожаатга ечим топиш орқали аҳолини қийнаб келаётган масалалар бартараф этилди.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Тоир Алиматов Фарғона шаҳрида бўлиб ўтган сайёр қабулда фуқаролар мурожаатларини тинглади. Қабулда қурилиш ва кўп хонадонли уйларга коммунал хизмат кўрсатиш йўналишида фарғоналиклар ўзини қийнаётган масала ва муаммоларни очиқлаш ҳамда муносиб ечим топиш имконига эга бўлишди.



Хусусан, Фарғона шаҳрининг "Тўқимачилар" МФЙ ҳудудидаги 6-уйда истиқомат қилувчи бир гуруҳ фуқаролар уйларга хизмат кўрсатувчи БСК фаолиятидан норозилигини билдиришди. Уй эгалари кўп квартирали уйлар ҳолати қониқарсизлиги ва ортиқча тўловларни амалга ошириш юзасидан турли зиддиятлар пайдо бўлаётганидан шикоят қилишди. Эътирозларни диққат билан тинглаган Тоир Алиматов мавжуд ҳолатни тезкорлик билан ўрганиш ва мақбул ечим топиш юзасидан мутасаддиларга кўрсатма берди.

# Даврий ҳисобот ва маънавий-маърифий ишлар режаси

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги "Шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертиза қилиш Республика маркази" ДМда 2024 йилнинг биринчи чорагида амалга оширилган ишлар сарҳисоби ҳамда маънавий-маърифий масалаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда марказ директори Мираббос Иноятов бошчилигидаги марказий аппарат эксперт ҳамда мутахассислари, шунингдек, ҳудудий бошқармалар ходимлари иштирок этишди.**



Кун тартибида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг 2023 йил 25 сентябрдаги 318-сон буйруғи билан тасдиқланган Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилинишини таъминлаш, марказ экспертлари ва мутахассисларининг мулоқот, кийиниш ва корпоратив этика талабларини бажариши, мурожаатлар билан ишлаш сифатини янада ошириш, ижро интизомига амал қилиш, экспертлар малакасини ошириш сингари масалалар кўриб чиқилди.

Йиғилиш давомида "Шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертиза қилиш Республика маркази" ДМ директори Мираббос Иноятов ҳар бир экспертга фаолияти давомида қўйиладиган талабларга алоҳида тўхталиб, шундай деди:

– Экспертиза – қурилиш юраги саналади. Бу шунчаки лойиҳа-смета ҳужжатларидан сарф-харажатларни тежаш эмас, балки аҳолига сифатли қурилиш объектларини барча талабларга жавоб берадиган, сифатли қилиб топширишда муҳим ва бирламчи қадамдир. Бунда объектнинг конструктив ечимидан тортиб, энергосамарадорлик, ёнғин хавфсизлиги сингари талабларнинг бажарилиши, смета кўрсаткичларини профессионал баҳолай билиш ҳар бир эксперт зиммасига катта масъулиятни юклаши даркор. Соҳани рақамлаштириш орқали шаффофликни таъминлаш ва коррупциявий ҳолатлар эҳтимолини нолга тенглаштириш олдимиздаги бош вазифа. Бу йўлда амалга оширилаётган чора-тадбирлар узлуксиз давом эттирилади.

Йиғилишда шунингдек, экспертлар малакасини ошириш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Таъкидланганидек, 2024 йилнинг январь ойидан шу кунга қадар Компетенцияни ривожлантириш институти томонидан "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" йўналиши бўйича сертификатлаш ўқув курсларида марказнинг 95 нафар эксперти иштирок этиб, тегишли сертификатларга эга бўлишган.

◀ 1-бет

# ШАҲАРСОЗЛИК ФАОЛИЯТИНИ ГЕОАХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА

## инновацион технологияларнинг аҳамияти қай даражада?

Семинарда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Шерзод Ҳидоятов сўзга чиқиб, уни ташкил этишда ташаббус кўрсатганларга миннатдорлик билдирди.

– Вазирлигимиз томонидан бугунги кунгача барча қурилиш жараёнлари, лойиҳачи ва пудратчиларни танлаш бўйича тендерлар, қурилишда назорат тизимлари тўлиқ рақамлаштирилган, – деди Шерзод Ҳидоятов. – Навбатда эса шаҳарсозлик ва коммунал хўжаликда инновацион ечимларни жорий этиш, хусусан, муҳандислик-техник қидирувларни амалга оширишда, барча муҳандислик тармоқларини ахборот тизимини яратишда, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда, муҳандислик тармоқларига уланишда замонавий ГИС-технологиясидан фойдаланган ҳолда қулай ва тез суръатда ишлаш имкониятларини ишга солишимиз зарур. Бугунги кунда ГИС технологиясидан фойдаланиш дунёнинг барча ривожланган давлатларида жорий этилган бўлиб, вазирлигимизнинг "ЎзГАШКЛИТИ" лойиҳа-қидирув институти ва Латвиянинг "SunGIS" компанияси билан ҳамкорликда Бухоро вилоятининг Коғон тумани ва Самарқанд вилоятининг Жума шаҳридаги ичимлик сув тармоқлари Швейцариянинг иқтисодиёт котибиятининг грант маблағлари ҳисобидан тўлиқ ГИС тизимига ўтказилди. Ушбу ГИС тизими Европа давлатларида кенг фойдаланиладиган "Open source" технологияси орқали жорий этилган бўлиб, унда ичимлик сув тармоқларнинг қурилган йили, диаметри, материали, уларни назорат қилиш учун ўрнатилган қудуқлар ва бошқа бир қатор маълумотлардан ишчи тартибда фойдаланиш имконияти яратилди.

Энг асосийси, барча муҳандислик тармоқларини ўтказишни ортиқча вақт ва ресурсларни йўқотмаган ҳамда бошқа муҳандислик тармоқларига таъсир кўрсатмаган ҳолда амалга оширишда мазкур ГИС тизими энг самарали ҳисобланади. Бугунга кунда вазирлик томонидан "ЎзГАШКЛИТИ" лойиҳа-қидирув институти билан биргаликда Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳридаги барча муҳандислик-коммуникация тармоқларига ГИС тизимини жорий этиш режалаштирилган бўлиб, бу орқали мазкур шаҳардаги муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш учун рухсатнома беришни ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш учун лойиҳа қидирув ишларини амалга оширишни соддалаштирилган ягона платформасини яратиш режалаштирилган. Биз ушбу жараёнда сунъий интеллектдан фойдаланиш имкониятларини ҳам ўрганиб чиқяпмиз.

Шунингдек, семинарда шаҳарсозлик фаолиятини геоахборот билан таъминлашнинг инновацион ечимлари, хусусан, муҳандислик-техник қидирувларни амалга ошириш, турли тармоқлар учун географик ахборот тизимларини яратиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнларида қўлланилаётган замонавий технологиялар, уларнинг афзалликлари ва қулайликлари етакчи маҳаллий ва хорижий мутахассислар томонидан кўрсатиб берилди. Хусусан, шаҳарсозликни ривожлантириш: Бухоро вилоятида шаҳарсозликни ривожлантиришнинг асосий жиҳатлари, жумладан, замонавий ёндашувлар ва технологик ечимлар, геоахборот таъминоти: инфратузилма объектларини лойиҳалаш ва улардан фойдаланишда муҳим аҳамият касб этадиган геоахборот таъминоти технологияларини кўриб чиқиш, шаҳарсозлик фаолиятида амалий геодезия муаммолари: амалий геодезияда инновацион ёндашувлар, жумладан, шаҳарсозлик муаммоларини ҳал қилиш учун учувчисиз учиш аппаратлари имкониятларидан фойдаланиш, муҳандислик-геологик ва муҳандислик-геотехник тадқиқотлар, муҳандислик-геологик ва геотехника тадқиқотлари соҳасидаги илғор технологияларни амалиётга жорий этиш натижалари муҳокама қилинди.

Маърузачилар томонидан гидрометеорологик ва экологик тадқиқотлар: табиий шароитлар ва атроф-муҳитга таъсир қилиш билан боғлиқ хавфларни баҳолаш ва минималлаштириш, қурилиш лойиҳаларини амалга оширишдан олдин лойиҳаларнинг барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашнинг аҳамияти тўғрисида мунозаралар, географик ахборот тизимлари (ГИС): шаҳарсозлик фаолиятини бошқаришда географик ахборот тизимларидан фойдаланишнинг афзалликлари ва муваффақиятлари амалга оширилган лойиҳалар мисолида тушунтириб ўтилди.

Хусусан, Латвия Республикасининг "SunGIS" компанияси томонидан "Рақамлаштириш соҳасида Латвия тажрибасидан фойдаланган ҳолда ичимлик суви ва оқава сув таъминоти бошқарувининг географик ахборот тизимини яратиш" лойиҳаси тақдимоти йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. Лойиҳа Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳри мисолида "ЎзГАШКЛИТИ" лойиҳа-қидирув институти билан ҳамкорликда тайёрланган бўлиб, молиялаштириш Латвия Республикасининг Ташқи ишлар вазирлиги грант лойиҳаси доирасида амалга оширилган. Семинар давомидаги тақдимотда лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда замонавий BIM технологиялар ва сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш жараёнлари, бинолар ва иншоотларни бузмасдан техник кўрикдан ўтказишнинг замонавий усуллари муҳокама қилинди.

Бундан ташқари, семинарда соҳа ривожи учун инновацион технологиялардан фойдаланиш, уларни шаҳарсозлик соҳасига интеграция қилиш муҳимлиги ҳам таъкидланди. Мавзулар қурилиш комплексининг энг асосий технологик жараёнларини қамраб олган бўлиб, қурилиш учун муҳандислик қидирувларидан тортиб, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда замонавий BIM технологиялар ва сунъий интеллектдан фойдаланиш, мавжуд бино ва иншоотларни бузмасдан техник кўрик ва текширувдан ўтказиш, ҳамда соҳада ишончли бошқарувни ташкил этишда замонавий геоахборот тизимларидан фойдаланиш каби ечимлар аҳамияти каби кенг кўламли жиҳатларни қамраб олди.

– Географик ахборот тизимларининг устунлиги ёки афзалликлари жуда кўп, – деди семинарда "Шаҳарсозлик соҳасида геахборот тизимларидан фойдаланиш имкониятлари" мавзусидаги тақдимоти билан қатнашган "ЎзГАШКЛИТИ" лойиҳа-қидирув институтининг Техник сиёсат ва ахборот таъминоти департаменти директори Азимжон Примов. – Хусусан, маълумотларнинг географик жойлашувга эгалиги, маълумотлар тизимлаштирилган ҳолда тартиблаштирилганлиги, бир неча турдаги ва типдаги маълумотларни ягона платформада умумлаштириш ва таҳлил қилиш имконияти, турли соҳаларга тегишли маълумотлар базаларини ягона платформада уйғунлаштириш, маълумотларни онлайн режимда киритиш, кузатиш ва таҳлил қилиш орқали, тезкор маълумот олиш имконияти, катта ҳажмдаги маълумотларни қисқа муддатда қайта ишлаш ва таҳлил қилиш, объектлар ҳаракатини ва таъсир доирасини реал вақт режимида кўриш ва таҳлил қилиш имконияти шулар жумласидандир.

Шу боис, шаҳарсозлик фаолиятини ахборот билан қўллаб-қувватлаш тизими сифатида Давлат шаҳарсозлик кадастри (ДШК) белгиланган. Давлат шаҳарсозлик кадастри ҳудудларни шаҳарсозлик нуқтаи назаридан ривожлантириш ва ҳудудий режалаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқиш, ердан фойдаланиш ва ҳудудий ривожлантиришда шаҳарсозлик регламентларини белгилаш орқали шаҳарсозлик фаолиятини тартибга солиш қоидаларини жорий этиш ҳамда шаҳарсозликнинг глобал муаммоларини ҳал қилишга йўналтирилган тизим сифатида фаолият юритади. Семинарда шу каби муҳим масалалар иштирокчилар томонидан катта қизиқиш билан муҳокама қилингани ҳам бугунги кунда соҳада бу тизимнинг аҳамияти қанчалик долзарблигидан далолатдир.

# Биринчи чоракда бажарилган ишлар муҳокама қилинди

**Ҳамза ШУКУРОВ,**
"O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармасида соҳага алоқадор ташкилот масъуллари, журналист ва блогерлар иштирокида матбуот анжумани ўтказилди. Унда вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи в. в. б. Баҳодир Негматов ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғи ўринбосари Одилбек Раҳимов 2024 йилнинг биринчи чорагида вилоятда амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот бердилар.**





Сўзга чиққанлар ўтган даврда бажарилган юмушларни танқидий баҳолаб, олдинда турган вазифалар ҳақида тўхталдилар. Жумладан, шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат бошқарув тизимини янада такомиллаштириш, аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш дастурлари, бош режаларини тайёрлаш ва батафсил лойиҳалаш жараёнлари, "Инфратузилмани ривожлантириш инжиниринг компанияси"нинг жорий йилдаги вазифалари ҳақида гапирдилар. Шунингдек, тадбирда Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан объектларни рўйхатга олиш, қурилиш майдонларидаги ҳолат, аниқланган қонун бузилишлар ва уларни бартараф этиш, бино ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини баҳолаш ҳамда электрон техник паспортларни шакллантириш тизимини жорий этиш масалалари бўйича амалга оширилган ишлар ҳам кенг муҳокама қилинди.

Жумладан, матбуот анжуманида жорий йилда "Инфратузилмани ривожлантириш инжиниринг компанияси" давлат муассасаси буюртмачилигида 133 та (106 та мактаб, 27 та МТТ) объектда қурилиш реконструкция, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари олиб борилиши кўзда тутилгани таъкидланди. Шунингдек, 2023 йилда вилоятда "Янги Ўзбекистон" массивлари ҳамда уй-жойга талаб юқори бўлган бошқа ҳудудларда 10 079 хонадонли 185 та уйлар фойдаланишга топширилган. Жорий йилда ҳам "Янги Ўзбекистон" массивлари ҳамда уй-жойга талаб юқори бўлган бошқа ҳудудларда 11 300 хонадонли 185 та уй қуриш учун асосий ишлар бошлаб юборилган.

Вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғи ўринбосари Одилбек Раҳимовнинг маълумотига кўра, янгидан қуриб фойдаланишга топширилган сейсмик фаол ҳудудларда жойлашган 420 та бино ва иншоотларнинг электрон техник паспорти ягона интеграциялашган платформага киритилиб, техник паспорти тўлиқ шакллантирилган. Шаҳарсозлик талаблари бузилган 57 та ҳолатда қурилиш ишларини вақтинчалик тўхтатиш, 4 та ҳолатда лицензияни бекор қилиш бўйича тақдимномалар киритилган.

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги "Шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш ҳамда 2023-2027 йилларда аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш дастурларини тасдиқлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди, – деди вилоят бош архитектори Сайфиддин Нарзиқулов. – Қарорга асосан, вилоятдаги 33 та маҳалланинг бош режа лойиҳалари ишлаб чиқилиши билан бир вақтда, ёндош маҳаллаларни шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантириш схемаларини тайёрлаш ҳам белгиланган. Унга кўра, 2023 йилда Каттақўрғон (Жумабой), Оқдарё (Янгиқўрғон), Пахтачи (Ҳунарманд), Тойлоқ (Жумабозор) маҳаллаларининг бош режалари ишлаб чиқилди ва ёндош маҳаллаларнинг шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантириш схемалари ҳам тайёрланди.

Шу билан бирга, "Қишлоққурилишлойиҳа" МЧЖ томонидан 2024 йилда яна 10 та, 2025 йилда 6 та, 2026 йилда 6 та, 2027 йилда 6 та маҳалланинг бош режаси ҳамда ёндош маҳаллаларни шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантириш схемалари ишлаб чиқилиши белгиланган. Ҳозирда 1128 та маҳалланинг 430 таси бош режа билан қамраб олинган.

Матбуот анжуманида мутахассислар томонидан оммавий ахборот воситалари вакилларининг саволларига батафсил жавоб берилди.

# Соҳа мутахассислари иштирокида йиғилиш

**Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармасида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг Кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва эксплуатация қилиш тизимини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Обиджон Мўминов иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.**

Унда бошқарма масъуллари, туман ва шаҳар бўлими ходимлари, бошқарув сервис компанияси ҳамда уй-жой мулкдорлари ширкатлари раҳбарлари иштирок этишди. Тадбирда Президентимизнинг 2023 йил 15 августдаги "Кўп квартирали уйларни бошқаришни янада самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 278-сонли қарори, аҳолининг бошқарув сервис компанияси ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари олдидаги дебитор қарздорликларини ундириш, ҳудудларни ободонлаштириш, туташ ҳудудларни бириктириш, аҳолидан келиб тушаётган мурожаатларни бартараф этиш ҳолатлари каби масалалар муҳокама қилинди.

Шунингдек, йиғилишда бошқарув сервис компанияси ҳамда уй-жой мулкдорлари ширкатларини қийнаётган муаммолар, тизимни рақамлаштириш, замонавий технологиялардан фойдаланиш имкониятлари ҳам кўриб чиқилди.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№36 (789) 2024 йил 30 апрель





◀ 1-бет

# ПИРОВАРД МАҚСАД – ИНСОН ОМИЛИ

Айтиш керакки, уй эгаларига қулайлик яратиш мақсадида муҳандислик коммуникация тармоқларини сифатли қуришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, қишлоқ жойларида марказлашган оқава сув тизимлари йўқлиги сабаб локал оқава сув тозалаш иншоотларини қуриш назарда тутилган. Бу шу массивларда яшовчи аҳолига замонавий коммунал хизмат кўрсатилишида ҳам ўзига хос омил бўлади. Қад ростлаган янги уйларга кўчиб кирган фуқаролар бу ердаги имкониятлардан мамнун. Дарҳақиқат, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари кўркам турар жойлар қад ростлашига замин яратмоқда. Бунинг натижасида ҳудудлар инфратузлмаси ривожланиб, фуқароларимиз учун муносиб турмуш шароитлари яратилмоқда. Бунда замонавий шаҳарсозлик анъаналари билан бир қаторда уйларнинг белгиланган меъёр ва талаблар асосида қурилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу борадаги ишлар мутахассислар эътиборидан четда қолмаяпти. “Янги Ўзбекистон” массивлари ўз номига муносиб янгича дизайн, янги меъморий ечимлар ва қурилишнинг ўзига хос анъаналарини ўзида мужассам этган обод масканлар сифатида бугун аҳоли учун кенг имкониятлар эшигини очди.

Поп туманидаги Миришкор маҳалласи ҳудудида ҳам “Янги Ўзбекистон” массиви бунёд этилмоқда. Бу ерда ҳозир 300 хонадонли 15 та кўп қаватли турар жойлар қурилиши белгиланган бўлиб, қурувчилар уйларни ўз эгаларига топшириш мақсадида сидқидилдан иш олиб боришмоқда.

– Поп туманидаги “Янги Ўзбекистон” массивида ўтган йили 5 та 5 қаватли уйлар фойдаланишга топширилган бўлса, бу йил 3 та уй топширилади. – деди Поп тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи Отабек Ҳолиқов. – Мазкур уйларнинг ҳозирда том қисми ёпилиб, ички пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. 2024 йили 70 дан ортиқ хонадон фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Ҳозирда кўп қаватли уйлар қурилиши жадал давом этяпти. Соҳага янгича иш услублари жорий этиб борилмоқда. Имкониятлар замирида эса халқ манфаатлари, чекка ҳудудларда яшовчи аҳолига бўлган эътибор мужассам. Аукционда ғолиб бўлган пудрат ташкилотлари томонидан турар жойларни фойдаланишга топшириш жадвали асосида изчил иш олиб бориляпти.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасида Давлатобод туманидаги “Юксалиш” массивида ҳам салмоқли ишлар бажарилмоқда. Аҳоли турмуш даражасини юқори поғоналарга кўтариш, муносиб яшаш шароитларини яратиш борасида қилинаётган эзгу ишларнинг амалдаги ифодасини бугун ипотека кредитлари асосида қурилаётган уй-жойлар исботлаб турибди. Асосий жиҳатлардан бири – жараёнга кўп йиллик тажрибага эга қурилиш ташкилотлари жалб этилган. Очиқ ва шаффоф тендерда ғолибликни қўлга киритган мутахассислар иш жараёнида сифатни бош мезонга айлантиришган. “Жаҳон” қурилиш таъмирлаш масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари “Юксалиш” массивидаги 4 та кўп қаватли уйга пудратчи саналади. Ўтган йили уларнинг 2 таси қуриб битказилиб, ўз эгаларига топширилди. Навбатдаги 2 та уйда эса ички пардозлаш ишлари амалга оширилмоқда.

– Жамиятимиз томонидан ушбу кўп қаватли уйлар яқинда қуриб битказилиб, субсидия ва ипотека асосида сотувга қўйилган, – деди иш юритувчи Мубошер Абдуллаев. – Бу уйлар 7 қаватли, 2, 3 хонадан иборат бўлиб, жами 84 та хонадонга мўлжалланган. Уйнинг ташқи фасад қисми базальт билан қопланиб, иситиш ва совутиш тизимлари алоҳида жорий қилинган. Уйларга туташ ҳудудларда автотураргоҳ, болалар майдончалари барпо этилган. Президентимиз томонидан уй-жой олиш учун субсидиялар жорий қилингандан сўнг ёш оилаларнинг уй билан таъминланиш имконияти яна ҳам ошди. Ҳозирда мазкур уйлар замон талаблари асосида миллий меъморчилик ва жаҳон андозалари асосида қад ростламоқда. Қурилаётган яна бир уй жорий йилнинг сентябрь ойида фойдаланишга топширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Уй-жой сотиб олиш ёки якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун фуқароларга субсидия тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига асосан, ўтган йили Наманган шаҳрида истиқомат қилувчи 424 нафар фуқарога кўп қаватли уй-жойлардан хонадон сотиб олиш учун давлат томонидан субсидиялар ажратилиб, бугун ушбу хабарномани олган 96 нафар шахсга 20 миллиард сўм миқдорида имтиёзли ипотека кредитлари ажратилди.

2023 йилда тижорат банклари томонидан хонадон сотиб олиш учун 856 нафар фуқарога 135,2 миллиард сўм имтиёзли ипотека кредити ажратилди. 100 нафар кам таъминланган ва ногиронлиги бор фуқаролар учун 23,1 миллиард сўм кредит йўналтирилган. Иккиламчи уй-жой бозоридан уй-жой сотиб олиш учун эса 22 нафар фуқарога 3,5 миллиард сўмлик ипотека кредитлари берилди.

Ортиқча меҳнат, маблағ ва вақт кетказмасдан тайёр уйга эга бўлганга нима етсин. Пишиқ ғиштдан, қисқа вақтда сифатли барпо этилаётган шинам уйлар кўпчилик учун қулай бўлмоқда. Таъкидлаш лозимки, қурилиш кластерлари ва четдан келтириладиган қурилиш маҳсулотларининг импорти учун бож тўлови ноль қийматда белгиланганi ҳамда ипотека кредитлари бўйича субсидиялар ажратишнинг мақсадли кўрсаткичлари оширилгани аҳоли ва қурувчи ташкилотларга кенг имконият яратди. Шаҳар ичидаги шаҳар концепцияси доирасида “Янги Наманган” шаҳарчасида ҳам айни имкониятлар асосида уйлар қурилиши олиб бориляпти.

– “Янги Наманган” шаҳарчасида ҳозирги кунда 9 қаватли 60 хонадонли кўп қаватли уй қурилишининг охирги босқичига етиб келдик, – деди иш юритуви Мубошер Абдуллаев. – Пастки қаватларда пардозлаш, том қисмида эса ёпиш ишлари олиб борилмоқда. Уйларни май-июнь ойларида фойдаланишга топширишни режа қилганмиз. Уйларни қуришда замон талаблари асосида энергия тежамкор маҳсулотлардан кенг фойдаланяпмиз. Қурилиш ишларида асосан жамиятимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан фойдаланиб, уйларнинг таннархини туширишга эришяпмиз.



990 ўқувчига мўлжалланган замонавий мактаб лойиҳаси



Поп тумани “Миришкор” ҳудуди “Янги Ўзбекистон” массивида 50 қатновли тиббиёт муассасаси (ОШП) лойиҳаси



Поп тумани Миришкор маҳалласи “Янги Ўзбекистон” массиви ҳудудида 360 ўринли мактабгача таълим ташкилоти лойиҳаси



“Янги Ўзбекистон” боғи ҳудудидаги Анфитеатр биноси лойиҳаси

Бугун Наманганнинг қай бир гўшасига борманг, кенг миқёсдаги бунёдкорлик, ободонлаштириш ишларига гувоҳ бўласиз. Гуллар шаҳри номини олган вилоят улкан қурилиш майдонига айланган. Бу борада кенг кўламли саъй-ҳаракатлар амалга оширилгани боис, ўзлаштирилмаган ерлар қиёфаси ҳам ўзлаштирилиб, тамомила бошқача манзара касб этмоқда. Ҳозирда 1 203 гектар майдонда “Янги Наманган” шаҳарчаси қурилиши жадал давом этмоқда. Адир ерда барпо этилаётган 200 минг аҳолига мўлжалланган бу шаҳарчада зарур инфратузилмалар яратилади. 20 минг хонадонли замонавий кўп қаватли уйлар, IT парк, меҳмонхона, бизнес марказлари, ижтимоий соҳа объектлари, спорт иншоотлари, маданият муассасалари, сервис хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилади, “Янги Ўзбекистон” боғи барпо этилади.

– “Янги Наманган” шаҳарчаси ҳудудида барпо этилаётган боғ 3 босқичда амалга оширилиши режалаштирилган, – деди қурилиш дирекцияси масъул ходими Маъмуржон Жалилов. – Биринчи босқичда 500 ўринли Амфитеатр, иккинчи босқичда сунъий кўл, ёрдамчи бинолар қурилади. Боғ атрофида тураргоҳлар, ички йўллар қурилиши режалаштирилган. Боғда турли тадбирларни ўтказишга мўлжалланган очиқ спорт майдонлари ҳам жойлаштирилади. Умумий қурилишлар учун 90 миллиард 660 миллион сўмдан ортиқ маблағлар молиялаштирилади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, Наманган шаҳрида кейинги 30 йилда янги йўл қурилмаган экан. “Янги Наманган” шаҳарчасига олиб борувчи йўл қурилиши бу борадаги йирик лойиҳалардан бири бўлади. Мазкур йўл Наманган шаҳрини Тўрақўрғон тумани билан боғловчи магистраль йўл бўлиб, пировардида вилоят марказидаги тирбандликларнинг ҳам олдини олади. Ҳозирда шаҳарчадаги “Янги Ўзбекистон” боғи қурилиши ҳам жадал давом этмоқда.

– “Янги Ўзбекистон” боғида пудрат ташкилоти сифатида иштирок этяпмиз. – деди пудрат ташкилоти раҳбари Собиржон Турғунов. – Бу ердаги ишларни декабрь ойининг охирида ташкил қилганмиз. Ҳозирги кунга келиб бу “Янги Ўзбекистон” боғини барпо этишда биз бетон қопламаларини тўшаш, ер ишлари, асфальтлаш, автотураргоҳлар, ички йўлакларни бетонлаш ишларини якунладик. Ушбу ишларни бажаришга корхонамиз томонидан 50 га яқин махсус техника ҳамда 70 га яқин ишчи жалб қилинган. Қўшимча равишда боғнинг рамзий дарвозасини ўрнатиш ишларини бошлаганмиз. Таъкидлаш керакки, лойиҳага кўра рамзий дарвоза Наманган гуллар шаҳри бўлгани учун очилиб турган гул шаклида бўлади.

“Янги Наманган” шаҳарчаси қурилишининг 2-, 3-босқичида 63 700 хонадонли 12 ва 16 қаватли 708 та турар жойлар ва шу ҳудудга яқин кичик саноат зоналаридаги янги лойиҳаларда 23 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилади. Янгича қиёфа, янги меъморий ечим ва илғор хориж технологияси асосида барпо этилаётган шаҳарчада аҳоли учун барча шароитлар яратилмоқда. Мазкур қурилиш бунёдкорлик ишлари натижасида “Янги Наманган” – барча имкониятларни ўзида жамлаган янги шаҳар бўлади.



Ҳозирда **1 203 гектар майдонда** “Янги Наманган” шаҳарчаси қурилиши жадал давом этмоқда. Адир ерда барпо этилаётган **200 минг аҳолига** мўлжалланган бу шаҳарчада зарур инфратузилмалар яратилади. **20 минг хонадонли** замонавий кўп қаватли уйлар, IT парк, меҳмонхона, бизнес марказлари, ижтимоий соҳа объектлари, спорт иншоотлари, маданият муассасалари, сервис хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилади, “Янги Ўзбекистон боғи барпо этилади.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№36 (789) 2024 йил 30 апрель

# Сирдарё вилоятида қурилиш ҳажми ортмоқда



**Беҳзод АҲМАДКУЛОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**2024 йилнинг январь-март ойларида Сирдарё вилояти бўйича 697,3 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилган. Вилоят статистика бошқармаси маълумотларига кўра, бажарилган қурилиш ишлари ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан солиштирилганда 5,5 фоизга ошган.**

Жами қурилиш ишлари ҳажмида ҳудудларнинг улуши бўйича Гулистон шаҳри биринчи ўринни эгаллаб турибди – 28,7 фоиз. Ундан кейинги ўринлардан мос равишда 26,3 фоиз ҳамда 9,5 фоизлик қурилиш ишлари ҳажми билан Мирзаобод ва Сирдарё туманлари жой олди.

Ушбу кўрсаткич қолган ҳудудлар кесимида қуйидагича кўринишга эга бўлди:

Гулистон тумани – **5,8 фоиз;**
Янгиер шаҳри – **5,7 фоиз;**
Сардоба тумани – **4,9 фоиз;**
Сайхунобод тумани – **4,9 фоиз;**
Ховос тумани – **4,5 фоиз;**
Ширин шаҳри – **4,1 фоиз;**
Боёвут тумани – **3,3 фоиз;**
Оқолтин тумани – **2,3 фоиз.**

# ГАЗ-КИМЁ КОМПЛЕКСИ БУНЁД ЭТИЛМОҚДА







**Зулфизар МАВЛОНОВА,** журналист.

**Бухоро шаҳар марказидан 70 километрдан узоқ масофада жойлашган Қоракўл тумани бундан тўрт йилча илгари Бухорода содир бўлган табиий офат – кучли шамол туфайли оғир талафот кўрган эди.**

Чўл ҳудудида жойлашган ушбу туман бугун бетакрор қиёфа касб этмоқда. Қурилиш-бунёдкорлик, инвестиция лойиҳалари, маҳаллалар қиёфасини янгилаш, янги иш ўринлари яратиш, таълим, тиббиёт тизимидаги ўзгаришлар, замонавий шаҳарсозлик ишлари, ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектлари ҳамда муҳандислик-коммуникация тармоқларида ислоҳотлар авж паллада. Айтиш жоизки, ўша пайтдаги талафотдан сўнг бунёд этилган “Янги Ўзбекистон” массивида 240 та хонадонга мўлжалланган 12 та кўп қаватли турар жой бинолари қад ростлади. 330 ўринга мўлжалланган мактаб, шунингдек, 240 ўринли давлат мактабгача таълим ташкилоти, 120 ўринли замонавий болалар боғчаси ва 100 қатнов ўрнига мўлжалланган оилавий поликлиника бинолари бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди.

Қоракўл тумани ҳокими Хуршид Тоҳиров бугунги кунда туман улкан қурилиш майдонига айланганини ҳақида таъкидлаб, Президентимизнинг 2021 йил 13 августдаги “Қоракўл” эркин иқтисодий зонаси ҳамда замонавий газ-кимё технологик кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Қоракўл ва Олот туманлари чўл ҳудудининг умумий 400 гектар ер майдонида газ-кимё соҳасига ихтисослашган эркин иқтисодий зона барпо этилганига тўхталди:

– Бу ердаги технологик лойиҳалар давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорига мувофиқ амалга оширилмоқда. “Қоракўл” эркин иқтисодий зонасида қиймати 2,7 миллиард АҚШ долларига тенг метанолдан олифен олиш (МТО) технологияси асосида газ-кимё мажмуаси лойиҳаси барпо этиляпти. “Gaz Chemical Complex MTO Central Asia” МЧЖ етакчилигида газ-кимё комплексини қуриш ва газ-кимё технологик кластерини ташкил этиш лойиҳасига кўра, йилига 1,1 миллион тонна полимер маҳсулотлари, жумладан, полиэтилен терефталат, полипропилен, паст зичликдаги полиэтилен, этиленвинилацетат сингари юқори ликвидли хомашёлар ўзлаштирилади, – деди у.

Ушбу объектни тиклаш учун, нафақат маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан, балки, АҚШ, Россия, Буюк Британия, Хитой, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Сингапур, Саудия Арабистони каби давлатлардан ҳам зарур ускуналар, масалан, қуёш батареялари учун махсус қопламалар, автомобиль кузовлари учун деталлар, мебель маҳсулотлари, гиламлар, пластик қувурлар келтирилмоқда. Бунёдкорлик ишларига 2000 дан ортиқ ишчи жалб этилган.

– Қурилиш-бунёдкорлик ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда, – деди “Gaz Chemical Complex MTO Central Asia” МЧЖ масъули Масрур Шакиров. – Бунда асосий ишлаб чиқариш ва маъмурий зоналардан ташқари, омборхоналар, махсус майдонлар ҳам барпо этилади. Йиллик экспорт ҳажми 261 миллион АҚШ долларини ташкил қилиб, 20 фоизи экспортга йўналтирилади. Мазкур лойиҳанинг аҳамияти шундаки, қайд этилган хом ашёлар ёрдамида 60 турдан ортиқ янги маҳсулотларни маҳаллийлаштириш имконияти ҳам пайдо бўлади. Лойиҳа тўла қувватда ишлай бошласа, ўн мингдан ортиқ ишчи кучи талаб этилади.

Ушбу лойиҳа доирасида айни пайтда Россия Федерациясининг “Enter Engineering” компанияси билан ҳам ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. Йирик қувватга эга технологик қурилмалар ҳамда катта сиғимли юк автомобиллари ишга туширилган.

Бир сўз билан айтганда, “Қоракўл” эркин иқтисодий зонасида кечаётган бунёдкорлик ишлари ҳудуднинг экспорт салоҳиятини оширишга, аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилашга хизмат қилишга қаратилган.

# Ноқонуний қурилмалар бартараф қилинди

**Сирожиддин СОДИҚОВ,** Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси етакчи инспектори.

**Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан шаҳардаги объектларда ноқонуний қурилмалар юзасидан ўрганиш ишлари олиб борилди.**

Тошкент шаҳар ҳокимининг топшириғига асосан, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 5-мавзе, 8-уйнинг 31-хонадонида яшовчи фуқаро С. Юсупов ўзи яшаб келаётган мазкур кўп хонадонли уйнинг ён қисмига қурилган қурилма мутахассислар томонидан ўрганилди. Ўтказилган ўрганишлар натижасида фуқаро С. Юсупов томонидан тегишли ташкилотларнинг рухсатисиз ўзбошимчалик билан Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 24-моддаси, Фуқаролик кодексининг 212-моддасига зид равишда қурилма қурилгани аниқланди.

Ҳолат юзасидан ҳуқуқбузар С. Юсуповга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 159-моддаси асосида маъмурий баённома расмийлаштирилиб, ўзбошимчалик билан қурилган қурилмани бартараф этиш юзасидан мажбурий кўрсатма тақдим қилинди. Ушбу мажбурий кўрсатмада кўрсатилган шартлар белгиланган муддатларда бажарилмаса, Фуқаролик ишлари бўйича судга даъво аризаси киритилиши тушунтирилди.

Худди шундай ўрганиш ишлари Чилонзор туманидаги “Бешчинор” МФЙда ҳам ўтказилди. Хусусан, ҳудудда жойлашган 36-кўп хонадонли уйнинг орқа қисмида ўзбошимчалик билан қурилган қурилмалар бартараф қилинди. Шунингдек, ҳудуддаги 44-кўп хонадонли уйнинг орқа қисмидаги ўзбошимчалик билан қурилган қурилмалар ҳам инспекция томонидан тегишли кўрсатмалар берилган ҳолда буздирилмоқда.


## “Яккабоғ пахта тозалаш” АЖ

## АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

“Яккабоғ пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорларининг **2023 йил якунлари бўйича йиллик умумий йиғилиши** 2024 йил 17 май куни ўтказилади. Умумий йиғилиш соат 11.00 дан бошлаб Қашқадарё вилояти, Яккабоғ тумани, Амир Темур кўчаси, 39-уйда жойлашган “Яккабоғ пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносининг мажлислар залида бўлиб ўтади.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 10.00 да бошланади.

**Жамиятнинг расмий веб-сайти:** www.yakkabogpaxta.uz

### КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАР:

1. Умумий йиғилиш регламенти ва саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш.
2. Жамиятнинг 2023 йил якуни ва бизнес-режаси кўрсаткичларининг бажарилиши бўйича жамият бошқаруви раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлаш.
4. Жамият Кузатув кенгашининг 2023 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
5. Жамият ташқи аудиторининг 2023 йил молия-хўжалик якуни бўйича хулосасини тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг ўтган йиллар тақсимланмасдан қолган соф фойдасини тақсимлаш.
7. Жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтиришни кўриб чиқиш.
8. Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилоти ва унинг хизматига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
9. Жамиятнинг 2024 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.
10. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш.
11. “OQ SAROY KLASTER” МЧЖнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига 2024 йил 18 апрелдаги 142-сонли мурожаат хати бўйича “Эсат” пахта қабул қилиш маскани кадастр ҳужжатини *(мулкга эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи бериш)* “OQ SAROY KLASTER” МЧЖга расмийлаштиришга рухсат бериш масаласини кўриб чиқиш.
12. Жамият томонидан 2009-2016 йилларда намунали уй-жойлар бошланғич бадал тўлови учун ўтказиб берилган тўловлардан Тиловов Отабекнинг **29 647,0** минг сўм, Қаюмов Исломнинг **19 688,0** минг сўм жами **49 335,0** минг сўм маблағни ходимлар вафот этгани сабабли ундириш имконияти йўқлиги учун қонунчиликда белгиланган тартибда жамият харажатларига олиб бориш ва ҳисобдан чиқариш.

**Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана** – умумий йиғилишни ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар реестри 2024 йил 26 апрель ҳолатига ва акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестри 2024 йил 13 май ҳолатига шакллантирилади.

Акциядорлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжат – паспорт ҳамда уларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари шарт (жисмоний шахслар учун – нотариус томонидан тасдиқланган, юридик шахслар учун – мазкур юридик шахс томонидан берилган).

Акциядорлар акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши тўғрисидаги маълумотлар билан “Яккабоғ пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносида танишишлари мумкин.

**Акциядорлар қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:** Қашқадарё вилояти, Яккабоғ тумани, Амир Темур кўчаси, 39-уй.

**Тел.:** 97-589-02-50, 91-459-75-67.

**Электрон почта:** yakkabogpaxtatozalash@umail.uz.

**“Яккабоғ пахта тозалаш” АЖ Ижроия органи.**


# ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

## 2024 йил апрель ойининг 30 санаси ва май ойининг 1-3 саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Халқаро ҳамкорлик ва рейтинглар билан ишлаш бўлими етакчи мутахассиси **Ортиқбой Отамуратов,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Кўп квартирали уй-жой фонди умумий фойдаланишдаги жойларнинг таъмирланишини назорат қилишни мувофиқлаштириш бўлими етакчи мутахассиси **Ҳусниддин Қодиров,** раҳбар котибаси **Зуҳра Иноятова,**

“O‘zog‘irsanoatloyiha” АЖ техник директори **Рустам Мамажанов,**

“O‘zshaharsozlik LITI” ДМ шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 10-устахонаси бош мутахассиси **Бахтиёржон Жумабоев,** Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 9-устахонаси бош мутахассиси **Ирода Раҳматуллаева,** Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 5-устахонаси 2-тоифали архитектори **Азиза Бабаханова,**

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси етакчи мутахассиси **Парахат Тлеуниязов,**

Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Абдуфаттоҳ Ярашев,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Рўйхатдан ўтмаган қурилиш объектларини назорат қилиш бўлим бошлиғи **Лазизбек Улуғов,**

Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими етакчи инспектори **Норқўзи Саиднасимов,**

Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси уй-жой ва коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассис **Равшанбек Тўйчиев,** кассир **Екатерина Каримова,**

Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳридаги “Dastanbek Zuxra Nukus” МЧЖ БСК бош директори **Есбосын Тажимуратов,**

Навоий вилояти, Навоий шаҳридаги “Navoiy Service Yordamchi” МЧЖ БСК бош директори **Мавжуда Иброҳимова,**

Сирдарё вилояти, Сайхунобод шаҳридаги “Интилиш коммунал сервис 777” МЧЖ БСК бош директори **Умид Аккузиев,**

Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳридаги “Perfect Beaver Intenition” МЧЖ БСК бош директори **Нилуфар Шамшиева,**

Тошкент шаҳри, Миробод туманидаги “Yashash Kompleks Elbek” МЧЖ БСК бош директори **Эмини Ашировa**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**


IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Батир Закиров
(Таҳрир ҳайъати раиси),
Шерзод Ҳидоятов,
Давронжон Адилов,
Озода Жўраева,
Козим Туляганов,
Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов,
Бобир Элмуродов,
Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета “Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**“ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ” НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси, “ЎзГАШКЛИТИ” ДУК, “ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУК, “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ, “ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100011, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 18-уй.
**Телефонлар:**
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-658-50-43.
**Андижон вилояти:** 91-479-55-11.
**Бухоро вилояти:** 99-704-66-69.
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Қашқадарё вилояти:** 90-287-50-29.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 91-365-07-36.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сирдарё вилояти:** 94-916-99-77.
**Сурхондарё вилояти:** 97-847-30-11.
**Фарғона вилояти:** 90-349-55-56.
**Хоразм вилояти:** 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-441.
1688 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри,
“Буюк Турон” кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – Р. Хўжаева.

**Навбатчи** – А. Ҳақбердиев.

ЎзА якуни – 21.32.
Топширилди – 22.20.

1 2 3 4 5 6